

**«Хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг хуқуқлари ҳамда
имкониятлари кафолатлари тўғрисида»ги
Ўзбекистон Республикаси Қонуни тарғиботи юзасидан амалга оширилган
ишлар тўғрисида**

2024 йил давомида «Хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг хуқуқлари имкониятлари кафолатлари тўғрисида Қонуни мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича ташкилотлар, идора ва маҳалларда **37та** тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Телевидениеда **15** марта қишлоқларда чиқишлилар қилинди, ҳудудларда, олис қишлоқларда уйма-уй юриб **16 мингдан** ортиқ хуқуқий маслаҳатлар берилди. Бунда оддий тилда қонунчиликни тушунтиришга эътибор қаратилиб, буклет, флаер ва плакатлар шаклида аҳолига **тарқатилди**.

Ўзтказилган тадбирларда аёллар ва эркакларнинг гендер камситилишига йўл қўймаслик, жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида аёллар ва эркаклар учун тенг хуқуқлар ва имкониятларни таъминлаш, гендер тенглик, жинсий белгиси бўйича камситиш тушунчаси ва турлари, ваколатли органларнинг вазифалари ва функциялари, давлат бошқарувида иштирок этишда, ишга қабул қилишда, кредитлар олишда ва тадбиркорлик билан шуғулланишда гендер тенгликни таъминлаш бўйича нормалар, гендер тенглик бузилишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар, шунингдек бунга олиб келадиган қилмишлар содир этганлик учун жавобгарлик юзасидан тушунтиришлар берилди.

Ташкилот ва идораларда давлат хизмати соҳасида аёллар ва эркакларнинг тенг иштирокини, давлат хизматида лавозим эгаллаш учун танловда тенг иштирокини таъминлаш, сайлов хуқуқини амалга оширишда, маърифат, таълим, фан ва маданият ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида, иқтисодий соҳада ва тадбиркорлик фаолиятида, меҳнат мажбуриятларини ва оиласи мажбуриятларни бирга бажаришда, ижтимоий ҳимоя соҳасида уларнинг тенглигини таъминлаш масалалари кенг муҳокама қилинди.

Шунингдек, мазкур Қонуннинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш бўйича ахборот-таҳлилий ва обзорли медиа материаллар ва видеороликлар тайёрланди, **теле-ва радиоқўрсатувлар** ҳамда репортажлар тайёрланиб эфирга ва Интернет тармоғига узатилди.

Ходимларнинг хуқуқий билимларини ошириш мақсадида учрашувлар ташкил этилди.

Журналистлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари учун алоҳида тренинглар ташкил қилиниб, соҳа вакилларидан **75 нафари** ўқитилди.

2024 йилда раҳбарият томонидан бевосита ҳудудларга чиқкан ҳолда ўтказилган **30 дан ортиқ** сайёр қабуллар жараёнида жами 199 нафар жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилинди.